

Ар-Риёда 2025 йилги Ислом бирдамлиги ўйинлари ўтказилади



17:45 / 18.12.2024 1681

Албания пойтахти Тирана шаҳрида Ислом бирдамлиги спорт ассоциацияси (ISSA)нинг навбатдаги сессияси бўлиб ўтмоқда.

Унда келаси йил ўтказилиши кўзда тутилган Ислом бирдамлиги ўйинларининг мезбонлиги ва ташкилотнинг келгусидаги фаолиятига оид масалалар кўриб чиқилмоқда. Йиғилишда Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёд шаҳри 2025 йилги Ислом бирдамлиги ўйинларига мезбонлик қилиши расман тасдиқланди. Бўлажак мусобақа 7-21 ноябрь кунларига белгиланган. Унинг дастуридан 13 та Олимпия, 4 та ноолимпия, 3 та Паралимпия ва 1 та миллий спорт тури ўрин олган. Дастурга кўра, бугун халқаро ташкилотнинг Ижроқўм йиғилиши ва Бош ассамблеяси ўтказилади.

Эслатиб ўтамиз, сўнгги Ислон бирдамлиги ўйинлари 2022 йил Туркиянинг Конья шаҳрида ўтказилган бўлиб, унда Ўзбекистон делегацияси 56 та давлат орасида 51 та олтин, 42 та кумуш ва 65 та бронза медаллари билан умумжамоа ҳисобида мезбонлардан сўнг фахрли иккинчи ўринни эгаллаган эди.

Жавоҳир Тошхўжаев, ЎЗА